

КУН МАВЗУЛАРИ

Россиядан мигрантларни қайтариш: Ортиқхўжаев таклифи ортида нима бор?

дақиқа аввал



Ўзбекистоннинг энг йирик тадбиркорларидан бири Жаҳонгир Ортиқхўжаев хориждаги 10 минг фуқарони иш билан таъминлашга тайёригини билдирди. АКФА Holding асосчиси ва Тошкентнинг собиқ ҳокими бу таклифни 18 август куни Хоразм вилоятида президент Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан учрашувида илгари сурди.

Ортиқхўжаев компаниялари шунча миқдордаги реал бўш иш ўрнига эгами-йўқми — ҳозирча текшириш имкони йўқ. Бироқ президентнинг таклифни дарҳол қўллаб-қувватлаши унга сиёсий аҳамият берди ва ҳукумат Россияда ишлаётган ўзбекистонликларга қайтиш ёки бошқа йўналишни танлаш имкони борлигини кўрсатишга уринаётгани ҳақидаги саволни ўртага чиқарди.

Жаҳонгир Ортиқхўжаев бошқа тадбиркорларни ҳам ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақириб, тайёр ҳисоб-китобни келтирди: мамлакатдаги қарийб 600 минг тадбиркорнинг ҳар бири қайтиб келган камида икки нафар мигрантни ишга олса, бир миллиондан ортиқ киши ишли бўлиши мумкин.

Президент Ортиқхўжаевга махсус платформа яратиш, бу ишга Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналарни жалб этиш ҳамда 10–15 кун ичида аниқ лойиҳани тақдим қилишни топширди.

Бу кетма-кетлик эътиборни тортади: йирик тадбиркор катта кўламдаги ваъда ва тайёр ҳисоб-китоблар билан чиқди, президент ташаббусни омма олдида қўллаб-қувватлади ва давлат идораларига дарҳол аниқ топшириқлар берди.

Ортиқхўжаевнинг чиқиши ҳукумат билан олдиндан келишилганини тасдиқловчи далиллар йўқ. Бироқ у Тошкент меҳнат миграциясининг Россияга қарамлигини камайтириш мақсадида олиб бораётган сиёсатга тўлиқ мос келади.

Ортиқхўжаев ташаббусни Татаристондаги дрон ҳужуми оқибатида Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани билан боғлади.

10 август куни Татаристоннинг Нижнекамск шаҳрига қилинган дрон ҳужуми оқибатида саккиз нафар Ўзбекистон фуқароси ҳалок бўлди.

Президент эса воқеадан кейин «баландпарвоз гаплар» билан чекланиб қолмасдан, амалий ҳаракат қилиш зарурлигини айтди.

**“ Хориждаги
фуқароларимиз
масаласига келсак,
Татаристонда содир бўлган
воқеа мени қанчалик
ташвишлантираётганини
биласиз. Бу ерда
баландпарвоз гаплар
билан чекланиб бўлмайди,
ҳаракат қилиш керак.**

Президент Мирзиёев

Бироқ худди шу учрашувда Ортиқхўжаев одамларни фақат Россиядан қайтаришни таклиф қилмади. У минглаб ўзбекистонликларни Мексика, Саудия Арабистони ва Албаниядаги қурилиш лойиҳаларига ишга юбориш имконияти ҳақида ҳам гапирди.

Шундай қилиб битта чиқишда учта йўналиш белгилаб берилди: Ўзбекистон ичида иш билан таъминлаш, йирик бизнесни бу жараёнга жалб қилиш ва Россия ўрнини босадиган янги хорижий меҳнат бозорларини излаш.

Бу Ортиқхўжаевнинг баёнотини фақат Татарстандаги фожиага муносабат эмас, балки кенгроқ сиёсатнинг оммавий сигнали сифатида ҳам кўриш имконини беради: Ўзбекистон меҳнат миграциясидан ва у орқали келаётган миллиардлаб доллардан воз кечмаган ҳолда Россия меҳнат бозорига қарамликни камайтиришга уринмоқдами?

Россия ҳали ҳам етакчи

Ортиқхўжаевнинг чиқишидан бир неча кун олдин Ўзбекистон Марказий банки 2026 йилнинг биринчи ярмидаги меҳнат миграцияси, трансчегаравий пул ўтказмалари ва валюта операцияларига бағишланган шарҳни эълон қилди.

Ҳужжатда МДХ давлатларига меҳнат миграцияси 29 фоизга камайгани, Европа йўналиши 42 фоизга, Шарқий Осиё йўналиши эса 26 фоизга ўсгани айтилган.

Бироқ Марказий банк бу кўрсаткичлар айнан қайси давр билан таққослангани ва қандай методика асосида ҳисобланганини етарлича тушунтирмаган. Шу сабабли ўзгаришлар кўламини мустақил баҳолаш қийин.

Ҳатто расмий рақамлар ҳам Россия йўналишининг ўрнини бошқа бозорлар эгаллагани ҳақида гапиришга ҳали эрта эканини кўрсатади.

Миграция агентлиги баҳосига кўра, Ўзбекистоннинг қарийб 1,4 миллион фуқароси 40 га яқин давлатда ишламоқда. Уларнинг 834,2 минг нафари ёки қарийб 60 фоизи Россияда.

Европа давлатларида 258 мингга яқин, Қозоғистонда 84,4 минг, Туркияда 72,1 минг, Жанубий Кореяда 46,4 минг ўзбекистонлик ишламоқда. Яна 97,7 минг киши бошқа давлатларда меҳнат қилмоқда.

Бу расмий идораларнинг мустақил тасдиқланмаган баҳолари бўлиб, мавсумий ва норасмий ишлаётган фуқароларнинг бир қисмини қамраб олмаслиги мумкин.

Бироқ шу маълумотларнинг ўзи ҳам катта тафовут сақланаётганини кўрсатади: Россияда Европа давлатларининг барчасини қўшгандагига нисбатан уч баравардан кўпроқ ўзбекистонлик ишламоқда.

АКФА таклиф қилаётган 10 мингта иш ўрни Россияда ишлаётган ўзбекистонликларнинг расман баҳоланган сонининг салкам 1,2 фоизига тенг.

Ваъда тўлиқ бажарилган тақдирда ҳам, у миграциянинг умумий тузилишини сезиларли ўзгартира олмайди.

Сиёсат Татаристондаги фожиадан олдин бошланган

Меҳнат миграциясини бошқа йўналишларга буриш ҳаракатлари Татаристондаги ҳужумдан анча олдин бошланган.

2024 йил апрелида президент хорижда ташкилий тартибда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи давлат тузилмаларининг ваколатларини кенгайтирди. Ўзбекистоннинг Буюк Британия, Германия, Польша, Венгрия, Латвия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликларидаги элчихоналарида бўш иш ўринларини излаш ва мигрантларга ҳамроҳлик қилиш ишларини кучайтириш кўзда тутилди.

Ўша йил кузида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида Миграция агентлиги ташкил этилди. Унинг вазифалари қаторига хорижий иш берувчиларни излаш, фуқароларни касб ва тилга тайёрлаш, уларнинг хориждаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда оғир вазиятга тушган мигрантларни қайтариш киритилди.

Ўзбекистон малакали ходимларнинг қонуний миграциясини енгиллаштиришга қаратилган келишувни Германия билан ҳам имзолади. Ҳукумат Япония, Жанубий Корея, Европа ва Форс кўрфази давлатлари билан музокараларни фаоллаштирди.

Марказий банк маълумотига кўра, Ўзбекистон 23 давлат билан 48 та келишувга эришган ва 36 мамлакатдаги 325 дан ортиқ иш берувчи ҳамда рекрутинг компанияси билан алоқа ўрнатган.

Миграция агентлиги 2026 йил бошидан буён 124,5 минг фуқарони юқори даромадли иш ўринларига жойлаштиришга ёрдам берганини даъво қилмоқда. Бироқ ҳисоботда давлатлар, касблар, иш ҳақи ва шартномалар муддати бўйича батафсил маълумот йўқ. Бу даъвони мустақил текшириш имкони мавжуд эмас.

Сиёсатшунос Фарҳод Толипов 2021 йилдаёқ мигрантлар учун янги йўналишларни излаш ҳаракатларини шарҳлар экан, Ўзбекистон битта қабул қилувчи давлатга ҳаддан ташқари қарам бўлмаслиги кераклигини айтган эди.

Россия Украинага қарши кенг кўламли уруш бошлаганидан кейин бундай қарамлик билан боғлиқ хатарлар янада яққол кўрина бошлади.

Россияга ишчилар керак, аммо мигрантларга босим кучаймоқда

Россия иқтисодиёти ҳамон ишчи кучи танқислигига дуч келмоқда. Демографик пасайиш, ҳарбий сафарбарлик ва уруш бошланганидан кейин аҳолининг бир қисми мамлакатни тарк этиши қурилиш, саноат, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрлар етишмовчилигини кучайтирди.

Россия компаниялари Марказий Осиёдан ишчилар жалб қилишда давом этмоқда. 2024 йилда, мигрантларга қарши кайфият кескин кучайганидан кейин ҳам, Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси Ўзбекистон фуқароларини ташкилий тартибда ишга олиш бўйича келишув имзолади.

Айни пайтда Марказий Осиёлик мигрантлар учун ҳуқуқий ва ижтимоий муҳит тобора чекловчи тус олмоқда.

Вазият 2024 йил март ойида Москва яқинидаги «Крокус Сити Холл» концерт залига ҳужум қилинганидан кейин сезиларли даражада ёмонлашди. Теракт бўйича асосан Тожикистон фуқаролари ушланган бўлса-да, унинг оқибатларига бутун Марказий Осиёдан келган муҳожирлар дуч келди.

Мигрантлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари полиция рейдлари, ҳужжат текширувлари, ҳибсга олишлар ва этник мансублик асосида камситиш ҳолатлари кўпайганини билдиришди.

Россия Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, 2024 йилнинг биринчи ярмида мамлакатдан қарийб 100 минг хорижлик чиқариб юборилган. Бу бир йил аввалги кўрсаткичдан тахминан 50 фоиз кўп. Мигрантлар яшайдиган ва ишлайдиган жойлардаги текширувлар сони эса 2,5 баравардан зиёд ошган.

Россия ҳудудлари хорижликларга такси, умумий овқатланиш, савдо, меҳмонхона бизнеси ва қурилишнинг айрим йўналишларида ишлашни тақиқлай бошлади.

2025 йилда «назорат қилинадиган шахслар реестри» ишга туширилди. Россия расмийлари мамлакатда қолиш учун қонуний асосга эга эмас деб ҳисоблаган хорижликлар ушбу рўйхатга киритилиши мумкин. Реестрга тушганларнинг ҳаракатланиши, банк операциялари, мол-мулкни расмийлаштириши ва бошқа ҳуқуқлари чекланади.

Мигрантларни Россия қуролли кучлари билан Украинадаги урушда қатнашиш учун шартнома имзолашга алдаш ёки мажбурлаш ҳолатлари ҳақида ҳам хабарлар

берилган.

Зиддиятли вазият юзага келган: Россия иқтисодиёти хорижлик ишчиларга муҳтож, аммо давлат сиёсати Марказий Осиёлик мигрантларнинг яшаши ва ишлашини тобора хавфли қилиб бормоқда.

Ўзбекистонга мигрантлар пули керак

Ўзбекистон хорижда ишлаётган фуқаролар сонини иқтисодий сабабларга кўра ҳам кескин камайтира олмайди.

2026 йил январь-июнь ойларида мамлакатга \$9,3 миллиард трансчегаравий пул ўтказмалари келиб тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоиз ёки қарийб \$1,1 миллиард кўп.

Доллардаги ўсиш мигрантлар реал ҳисобда 13 фоиз кўпроқ пул топиб, ватанга жўнатганини англатмайди.

Марказий банк Россия рубли долларга нисбатан ўртача 13,5 фоизга мустаҳкамланганини қайд этган. Пул ўтказмалари доллар эквивалентида ҳисоблангани сабабли рублнинг мустаҳкамланиши Россияда топилган даромаднинг статистикадаги қийматини автоматик равишда оширади.

Шунга қарамай, тушумларнинг умумий ҳажми мигрантлар пули Ўзбекистон иқтисодиётида қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

2025 йил давомида трансчегаравий тушумлар \$18,9 миллиардга етган. Марказий банк бу маблағлар ички валюта бозоридаги мувозанатни сақлашга ёрдам берганини очиқ қайд этган.

Мигрантлар даромади хорижий валютанинг муҳим манбаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мигрантларнинг оммавий қайтиши Тошкент олдида бир вақтнинг ўзида икки муаммони пайдо қилиши мумкин: ички меҳнат бозорига юз минглаб янги иш изловчилар кириб келади ва хорижий валюта оқими қисқаради.

Шу сабабли расмийлар меҳнат миграциясини тўхтатишдан кўра, унинг географиясини ўзгартиришдан манфаатдор.

Европа йўналиши ўсмоқда, аммо Россиянинг ўрнини босгани йўқ

Пул ўтказмаларига оид маълумотлар ҳам янги йўналишлар аста-секин пайдо бўлаётганини кўрсатмоқда.

Биринчи ярим йилликда Европа Иттифоқи давлатларидан ўтказмалар \$251 миллиондан \$319 миллионга, Буюк Британиядан эса \$89 миллиондан \$144 миллионга ошган. АҚШдан тушумлар 19 фоизга, Ирландиядан эса 86 фоизга кўпайган.

Бироқ юқори ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан дастлабки кўрсаткич паст бўлгани билан изоҳланади. Мутлақ миқдорда бу мамлакатлардан келаётган пул Россиядан тушаётган маблағлар билан ҳали таққослаб бўлмайдиган даражада.

Россияга бориш учун Ўзбекистон фуқаролари мамлакатга киришдан олдин иш визасини олиши шарт эмас. Рус тили кенг тарқалган, ўнлаб йиллар давомида шаклланган миграция тармоқлари эса иш, турар жой ва транспорт топишни енгиллаштиради.

Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа бой давлатларда ишлаш учун тил билиш, тасдиқланган малакага эга бўлиш, дипломларни тан олдириш ва танловдан ўтиш талаб этилади. Иш ўринлари сони квоталар ва иш берувчилар талаблари билан чекланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон бу вакансиялар учун Ҳиндистон, Покистон, Филиппин, Вьетнам ва ишчи кучи экспорт қиладиган бошқа давлатлар билан рақобатлашиши керак.

Марказий банк келтирган прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб Европа иқтисодиётларида 7,5 миллиондан 10,5 миллионгача ишчи етишмаслиги мумкин. Германиянинг ўзига ҳар йили камида 400 минг малакали мигрант керак бўлиши эҳтимол қилинмоқда.

Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида ҳам ишчи кучи танқислиги прогноз қилинмоқда.

Аммо булар ишчи етишмаслигига оид умумий баҳолар, Ўзбекистон фуқаролари учун ажратилган вакансиялар ёки квоталар эмас. Мамлакат бу талабдан қай даражада фойдалана олиши касбий тайёргарлик сифати, тил билиш ва давлатлараро келишувларга боғлиқ бўлади.

Қайтаришми ёки бошқа йўналишга буришми?

Ортиқхўжаев таклифи умумий йўналишни белгилади, аммо асосий амалий саволларга ҳозирча жавоб бермади.

Ўзбекистондаги иш қайтиб келаётган фуқароларга Россиядагига яқин даромад бера оладими — номаълум. Таклиф қилинаётган 10 минг ишчининг қанчаси ҳақиқатан Россиядан қайтарилиши, қанчаси мамлакат ичидан ёки бошқа давлатлардан жалб қилиниши ҳам очиқ эмас.

Агар иш ҳақи сезиларли даражада паст бўлса, хавфсизлик ва барқарорлик ҳақидаги ваъдалар мигрантларни қайтариш учун етарли рағбат бўлмаслиги мумкин.

Мамлакатда давлат Миграция агентлиги мавжуд бўлишига қарамай, янги платформани яратиш вазифаси хусусий тадбиркорга топширилгани ҳам алоҳида саволларни туғдиради.

Россияга қарамликни камайтириб, миллиардларни сақлаб қолиш

Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш Ўзбекистонга Россия раҳбарияти қарорлари, рубль курсининг ўзгариши, полиция кампаниялари ва уруш оқибатларига боғлиқ хатарларни камайтириш имконини беради.

Бироқ Россия ҳамон энг йирик, осон кириладиган ва одатий меҳнат бозори бўлиб қолмоқда. У ерда юз минглаб Ўзбекистон фуқароси ишляпти, улар жўнатаётган маблағлар эса миллионлаб оилалар ва ички валюта бозорини қўллаб-қувватламоқда.

Шу сабабли мигрантларни қайтариш чақируви ортида анча мураккаб вазифа турибди. Тошкент бир вақтнинг ўзида мамлакат ичида иш ўринлари яратиши, янги хорижий меҳнат бозорларига кириш имконини қўлга киритиши ва пул ўтказмалари ҳажмини сақлаб қолиши керак.